

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**САИДОВА НИЛУФАР РЎЗИМУРОТОВНА**

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАТЕМАТИКАВИЙ  
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АКТ  
ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 373.29:51(575.1)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Саидова Нилуфар Рўзимуротовна**

Бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини  
шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланиш технологиялари..... 3

**Саидова Нилуфар Рўзимуротовна**

Технологии применения средств ИКТ при формировании математической  
компетенции учащихся начальных классов..... 21

**Saidova Nilufar Ruzimurotovna**

Technologies for the use of ICT tools in the formation of mathematical  
competence of primary school students..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**САИДОВА НИЛУФАР РЎЗИМУРОТОВНА**

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАТЕМАТИКАВИЙ  
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АКТ  
ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ped1768 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengash>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ибраимов Холбой Ибрагимович педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Олимов Ширинбой Шаропович педагогика фанлари доктори, профессор Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2021.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» ноябр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (63 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «3» феврал да тарқатилди.  
(2021 йил «3» феврал даги 10 -рақамли реестр баённомаси)



Мамад  
**М.М.Махмудова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий Кенгаш раиси ўринбосари,  
педагогика фанлари доктори, профессор

Урак  
**Ш.Р.Урак**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби,  
фалсафа доктори (PhD) пед.ф.б.

Шоди  
**Н.Ш.Шоди**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
педагогика фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида таълимнинг натижавийлиги бевосита бошланғич таълим жараёнлари сифатига боғлиқлигидан келиб чиқиб, мазкур бўғинни такомиллаштиришнинг асосий йўналиши ҳисобланган таълим оловчиларнинг математик саводхонлигини ва когнитив компетенцияси шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилиши кузатилмоқда. Ўқитиш сифати мониторингини ўрганишга оид халқаро дастурларда математика фанини ўқитишни такомиллаштириш ҳамда мустақил билим олиш даражаларини алоҳида параметр сифатида баҳолаш назарда тутилган. Бунда ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан кенг фойдаланиш, математик саводхонлик трансферини ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш масалаларига эътибор берилмоқда.

Дунё миқёсида бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришнинг ташкилий-методик асосларини тадқиқ этишда ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини жорий этишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бошланғич синф математика таълими жараёнининг ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш, жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиш, интерфаол таълимни ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш учун оптимал ёндашувлар билан боғлиқ илмий-услубий ишланмалар кўламини ошириш устувор аҳамият касб этмоқда. Шунинг билан биргаликда бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланиш технологиясини такомиллаштиришни илмий асослаш зарурияти юзага келмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини умумий ўрта таълимни тизимини такомиллаштириш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг ўқитишнинг илғор шакллари ва усулларини жорий этиш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар бошланғич таълим самарадорлигини оширишга кенг имкониятлар яратмоқда. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш, ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич тадбиқ этиш, муқобил ёндашувларни ўрганишга ва илмий асослашга йўналтирилган амалий характердаги илмий изланишларни ривожлантириш»<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада, бошланғич синф ўқувчиларининг математикага оид когнитив компетенциясини электрон таълим ресурслари асосида такомиллаштириш, бошланғич синф ўқувчиларида ностандарт математик масалаларни анализ ва синтез қилиш малакасини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони

креатив компетентлигига кўра такомиллаштириш мўлжалланган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бошланғич таълим сифати бошқарувининг узлуксиз таълимда олиб борилаётган ислохотларнинг умумий жараёни билан ўзаро алоқадорлигини белгилайдиган омилларни илмий асослаш, таълим тизимини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва педагогик шарт-шароитларини ўрганишга бағишланган тадқиқот ишлари ўзбек олимлари Б.Адизов, Р.Джураев, Р.Сафарова, Н.Н.Шодиев, Х.П.Назаровалар томонидан олиб борилган бўлса, бошланғич таълимда ўқув машғулотларини лойиҳалаш, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларининг креатив фикрларини ривожлантириш масалалари М.Иминова, Ф.Хўжжиева, Н.Диловалар томонидан ўрганилган. Республикада шахснинг математик қобилиятларини ривожлантириш воситасида таълим мазмунини такомиллаштиришнинг назарий-методологик ва услубий асослари юзасидан Б.С.Абдуллаева, Н.Р.Гайбуллаев, Э.Ғозиев, Д.И.Юнусова, М.Ш.Маматов, М.А.Мирзахмедов, Б.К.Хайдаров, М.А.Файзиев, Т.У.Утапов, Д.М.Махмудова ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида математик қобилиятларни ривожлантириш механизмлари, математик назарияларни ўрганиш ва уларни ривожлантиришга оид қарашлар В.А.Аршинов, С.П.Капица, А.Н.Колмогоров, В.А.Крутецкийлар томонидан олиб борилган. Таҳсил олувчиларнинг математик билимдонлигини ошириш, математикавий масалаларни ечишда креативлик, педагогик шарт-шароитлари аниқлашга доир Л.М.Короткова, А.К.Маркова, В.Л.Матросова, В.М.Полонский, Э.Л.Хабина, И.С.Якиманская ва бошқа олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса, математик қобилият муаммосининг турли томонларини

таҳлил қилиш К.А.Абульханова-Славская, Д.Адамар, Э.Ж.Гингулис, В.А.Гусев, Г.В.Дорофеева, А.Б.Орлов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Хориж олимлари S.Altmeyer, Yo.Ying-Cheng Lai, C.Nore, J.L. Guermont, R.Laguerre, J.Leorat, F.Luddens, Lynn H. Erbe, Basak Karpuz, Allan C.Peterson, Ricardo Almeida, R.Nuno, O.Bastos, S.Torres, Omer Acan ва бошқалар томонидан математик қобилиятлар муаммосини ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти ва имкониятларини очиб бериш каби масалалар таҳлил этилган.

Юқоридаги таҳлил қилинган илмий ишланмалар ва адабиётлар таҳлили таълим тизимининг мавжуд шарт-шароитлари хусусиятларига мос тарзда бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда ахборот-коммуникация воситалари (АКТ)дан фойдаланиш технологиясини такомиллаштиришга доир махсус тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаганлигини кўрсатди.

**Тадқиқотнинг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А1-ХТ-1-33147-«Узлуксиз таълим тизимида педагогик жараёнларини ташкил этишни бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш технологиялари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошланғич синф ўқувчиларининг математикага оид компетенциясини электрон таълим ресурслари асосида такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантириш механизмини АКТ воситалари асосида такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида ностандарт математик масалаларни анализ ва синтез қилиш ҳамда умумлаштириш малакаларини такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришга оид илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш жараёнлари белгиланиб, тажриба-синов ишларига Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларидаги 11 та умумий ўрта таълим муассасаларининг 915 нафар ўқувчилари ва 56 нафар бошланғич синф ўқитувчилари жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш мазмуни, шакли, метод ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида ўқув-илмий манбалар, ДТСдаги концептуал фикрларни таҳлил қилиш, ўрганиш, аналитик обзор каби назарий; моделлаштириш, ретроспектив таҳлил, диагностика, суҳбат,

сўровномалар, интервью, тажриба-синов, тест, математик-статистик таҳлил каби эмпирик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

математикавий компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ахборот-коммуникация технологиялари таъсирида ўқитувчи-ўқувчи муносабатининг хулосалаш-намоён этиш, таништириш-идрок этиш, бошқариш-фикрлаш, назорат-англаш каби ўзаро боғланган тузилмасини белгилаш асосида аниқлаштирилган;

ахборот-коммуникация технологияларининг ўқув-билув жараёнидаги дидактик маҳсулдорлиги анъанавий ва интерфаол машғулотларда бошланғич синф ўқувчилари психо-физиологик хусусиятларининг сензитив, перцептив, кинестетик, дивергент каби динамик ўзгаришларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг математикага оид ижодий фаоллик кўникмаси ҳамда когнитив компетенциясини шакллантириш жараёнлари ахборот-коммуникация технологияларини субъектларнинг фикрлаш ва хотирани мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолиятига (мантикий, мотивацион ва назорат қилиш) ўзаро уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синфларда математикадан ўқув материални ахборот-коммуникация технологиялари воситасида моделлаштириш босқичлари мазмуни математик фаолиятни ташкил этишнинг мустақил математик фаолият, устуворлиги, актуал ва потенциал даражалар ҳисоби, маҳорат, шароит каби асосий мезонларини киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш ва ташкил қилиш мазмуни ҳамда ахборот хизмати тизимида илмий-педагогик фаолият ва ахборот таълим ресурсларини бошқариш йўналишлари аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантириш мазмуни инфорацион дастурий воситалар жараёнига интенсив қўллаш асосида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган электрон таълим ресурси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги ва уларнинг математик-статистик таҳлили, таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, таклиф этилган моделлар, механизмлар ва таркибий тузилмалар бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш, таълим жараёнларини

инновацион ёндашув асосида ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштиришга оид янги назарий ёндашув, ғоя, тавсиялар асосида бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларининг математикага оид саводхонлигини оширишга хизмат қилиши, шунингдек, ўқувчиларни тайёрлаш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича компетентлиликни шакллантиришга хизмат қилувчи электрон таълим воситаларни тадбиқ этилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

математикавий компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, ахборот-коммуникация технологиялари таъсирида ўқитувчи-ўқувчи муносабатининг ўзаро боғланган тузилмаси, ахборот-коммуникация технологияларининг ўқув-билув жараёнидаги дидактик маҳсулдорлиги анъанавий ва интерфаол машғулотларда бошланғич синф ўқувчилари психофизиологик хусусиятларининг динамик ўзгаришларига оид таклифлардан А1-ХТ-0-14297-рақамли «Бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2956-сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқот мазмунини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш асосида таълим субъектларининг АКТдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг математикага оид ижодий фаоллик кўникмаси ҳамда когнитив компетенциясини шакллантириш жараёнлари, ахборот-коммуникация технологияларини субъектларнинг фикрлаш ва хотирани мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолиятига (манتيкий, мотивацион ва назорат қилиш) оид таклифлардан А1-ХТ-0-14297-рақамли «Ахборот-коммуникацион таълим муҳитида математикани ўқитишни ташкил этишнинг илмий-услубий асосларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2956-сонли маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини ахборот-коммуникация воситалари асосида шакллантиришга хизмат қилган;

бошланғич синфларда математикадан ўқув материални ахборот-коммуникация технологиялари воситасида моделлаштириш босқичлари мазмуни, математик фаолиятни ташкил этишнинг асосий мезонлари (мустақил математик фаолият, устуворлиги, актуал ва потенциал даражалар ҳисоби, маҳорат, шароит каби)га оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан И-ХТ-0-19929-рақамли «Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9-синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш (математика,

информатика)» мавзусидаги инновацион лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2956-сонли маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим мактабларида математика фанини ўқитиш самарадорлигини ошишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та республика ва 4 та халқаро форум ҳамда илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола 7 таси республика ва 2 та хорижий (1 таси Scopus халқаро маълумотлар базасидаги) журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Ишнинг умумий ҳажми 142 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган; методлар, объект ва предмет аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган; тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётда татбиқ этилиши, илмий нашрларда эълон қилиниши, диссертацион ишнинг тузилиши юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланишнинг назарий-амалий асослари**» деб номланган. Унда бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланишга ижтимоий эҳтиёжнинг мавжудлиги, бошланғич синф ўқувчиларида математикавий компетенцияларни шакллантиришнинг дидактик хусусиятлари ўз аксини топган.

Мазкур бобда бошланғич синф ўқитувчилари учун ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш, жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиш, интерфаол таълимни ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришга йўл очилганлиги эътироф этилган.

Мамлакатимиздаги барча таълим муассасалари On-line тарзида таълимни амалга оширишмоқда. Бунинг учун, узлуксиз таълимда электрон таълим ресурслари яратилмоқда ва ҳар бир таълим муассасаси уларни масофавий ўқитиш платформасига жойлаштирмоқда. Шу ўринда рақамли технологиялар асосида педагогик жараёнларни акс эттирувчи логфрейм, концептуал лойиҳа,

методика, технология, электрон дастурларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, бошланғич синф ўқувчиларининг математик компетенцияларини ахборот-коммуникацион технологиялар воситасида шакллантириш зарурати ҳам ошмоқда.

Бошланғич таълим-боланинг индивидуал ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда унинг жисмоний ва психик ривожланишини таъминловчи, уни узлуксиз таълимнинг кейинги босқичига ҳар томонлама мақсадли йўналтирилган таълим ва тарбия жараёнидир.

Адабиётлар таҳлилидан маълум бўлишича, бошланғич синф ўқувчиларининг математик компетенцияларини ахборот-коммуникацион технологиялар воситасида шакллантириш ўқув маълумотларининг визуализациялаш жараёнига самарали таъсир кўрсатади. Чизмалар, графиклар, анимация, гиперматн, мультимедиа, моделлаштириш элементлари, товуш орқали таҳсил олувчиларнинг виртуал билим эгаллашлари имкониятларини кенгайтирилади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларининг математикадан маълумот эгаллаш ва билим ўзлаштиришга бўлган мотивацияси кучайтирилади ҳамда таълим натижаларини кафолатлашга замин ҳозирлайди. Бу дидактиканинг интерфаоллик тамойили асосида содир бўлиб, таҳсил олувчиларнинг ўқув материални мураккаблик даражаси асносида танлаш имкониятига эгаллиги билан тавсифланади, индивидуал ритм асосида ўқиш имконини беради.

Бошланғич синф ўқувчиларининг математик компетенциялари ахборот-коммуникацион технологиялар асосида ҳар қандай мураккаб топшириқларни удалаш, уларни яқунлаш имконини беради.

Бошланғич таълимда ахборот-коммуникацион технологиялар қўлланилганда педагогик жараёнда қатнашаётган болада диққат, идрок, тасаввур, мантикий мушоҳада қилиш кўникмалари ривожланади, креатив фикрлаш қобилиятлари, ҳиссий-эмоционал туйғулари шакллантирилади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчилари ўрганилаётган математик катталиқлар, назариялар асосида фаолиятини ташкил қилиш имконияти кенгайди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг билимларини шакллантириш борасида республикамизда олиб борилаётган тадқиқотлар кўрсатишича, бугунги кунда ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкорлигини ташкил этиш, педагогик жараённи бошқариш, педагогик жараёндаги номунтазам ҳодисаларни ўрганиш, дунёни янгича изоҳлашга қаратилган масалалар алоҳида долзарблик ва аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли, бошланғич синф ўқувчиларининг индивидуал, математик қобилиятларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг юксак даражада таълим-тарбия олишлари, ижодий имкониятларини шакллантириш ва ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш бериш муҳим аҳамият касб этади.

**«Компетенция** – боланинг билим, кўникма, малака ва қадриятлари мажмуидаги лаёқатлилик даражасидир. Компетенциялар, ривожланиш соҳасидан қатъи назар, бола шахси шаклланиши учун асос бўлиб хизмат

қилади»<sup>2</sup>. Шундан келиб чиқиб, биз бошланғич синфларда математик саводхонлик компетенциясини талқин қилишга киришдик. Фикримизча, бошланғич синф ўқувчисининг ёш даврига хос бўлган вазифаларни мақсадли бажариш учун етарли бўлган боланинг билими, кўникмаси ва малакалари ҳамда кадриятларида ўз ифодасини топадиган фаолиятга «компетенция», дейилади. Демак, бошланғич синфларда шакллантириладиган компетенциялар боланинг фаолият ва ахлоқ субъекти сифатидаги яхлит ривожланишини талаб этади.

Бошланғич таълим мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, ўқувчиларда математик компетенцияларини шакллантириш учун зарур ташкилий, ўқув-услугий, моддий-техник ва психологик-педагогик шарт-шароитларни яратиб бериш лозим.

**Математик саводхонлик компетенцияси** – болада давлат таълим стандарти асосида математика соҳасига оид билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, кадриятларни ўзлаштириш тизими бўлиб, унга кўра шахсда сонлар ва ҳисоблашларга оид, натурал сонларни ўзаро таққослашга оид; қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлишнинг жадвалли ҳоллари натижаларини билиш, геометрик фигураларга оид; кесма, учбурчак, тўртбурчаклар, квадратлар, бешбурчак, айлана, кўпбурчак периметри, узунлик каби математик катталиқлар ва ўлчов бирликлари тўғрисидаги билимларга эга бўлиш, уларни қўллай олиш қобилияти тушунилади. Шундан келиб чиқиб, тадқиқот доирасида биз ахборот коммуникацион технологиялар атамасининг ҳам таърифини беришни жоиз деб топдик.

**Ахборот-коммуникация технологиялари** – ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) – ахборот тўплаш, ишлов бериш, сақлаш, тарқатиш, намойиш этиш ва ўз фойдаланувчиларининг манфаатларига мувофиқ фойдаланиш учун бирлаштирилган усуллар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва дастурий-техник воситалар тўплами.

Педагогикада «**шаклланиш**» категорияси шахсда муайян сифатлар, фазилатлар, хусусиятларни сингдириш жараёни билан белгиланади. Масалан, боладаги математика, бадиий адабиёт, тасвирий санъат, мусиқага бўлган иқтидорни олдиндан аниқлаш асосида ундаги қобилиятларни шакллантириш мумкин. Демак, бошланғич синф ўқувчиларининг математик компетенцияларини ахборот-коммуникацион технологиялар воситасида шакллантириш деганда, бошланғич синф ўқувчиларининг математик билимдонлигини ошириш, математика соҳасига оид маълумотларни саралаш, тўплаш, уларни интерпретация қилиш, амалиётда қўллай олиш компетентлигини, яъни лаёқатлиги динамикасини тушуниш лозим.

Бошланғич таълимда ахборот-коммуникацион технологиялар воситасида ўқувчиларга билим беришда қуйидаги таълимий шакллардан фойдаланилиш мақсадга мувофиқ: дарсда намойиш моделларидан фойдаланиш; дастурлаштирилган машғулотларни ташкил қилиш; маълумот моделларини

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори.

лойиҳалаш; билимларни тизимлаштиришга мўлжалланган дарс ва дарсдан ташқари машғулот.

Бошланғич таълимда ахборот-коммуникацион технологиялар воситасида ўқувчиларга билим беришдаги ахборот коммуникация имкониятлари қуйидагиларга қаратилади: дарсда ўтилатган ўқув материални визуализациялаш жараёнига самарали таъсир кўрсатиши; бошланғич синф ўқувчиси ўрганаётган математик катталикларни чизмалар, графиклар, анимация, гиперматн, мультимедиа, моделлаштириш элементлари, товуш орқали виртуал билим эгаллашлари имкониятларини кенгайтириш; маълумот эгаллаш ва билим ўзлаштиришга бўлган мотивацияни кучайтириш; таълим натижаларини кафолатлаш. Бу албатта, дидактиканинг интерфаоллик тамойили асосида содир бўлиб, бошланғич синф ўқувчиларининг креатив фикрлашига ва уларда математик компетенцияларнинг шаклланишига, математик иқтидорининг намоён бўлишига олиб келади.

Математикага оид билимларни эгаллаш жараёнида ўқувчилар учун мўлжалланган АКТ воситалари ўқитувчи томонидан ўқитишнинг янги шакллари, методлари ва усулларини тақдим этиш асосида такомиллаштирилади. Бундай воситалар сирасига табақалаштирилган ишлар учун мўлжалланган электрон таълимий топшириқлар(ЭТТ), мантиқий характердаги электрон машқлар (МХЭМ), ўқувчиларни атроф-муҳит билан таништиришга бағишланган саволлар ва электрон топшириқлар, баҳолаш, ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилиш характердаги электрон топшириқлар ҳамда туркум машқларни киритиш мумкин(1-жадвалга қаранг).

#### 1-жадвал

#### Бошланғич синф ўқувчиларида математикавий компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган АКТ воситаларининг турлари

№	АКТ воситаларининг турлари	Кутиладиган натижа
1.	Электрон таълимий топшириқлар(ЭТТ)	Интеллектуал ривожланиши учун қулай шароитнинг яратилиши
2.	Мантиқий характердаги электрон машқлар (МХЭМ)	Мустақиллик, қарорлар қабул қилиш лаёқатининг шакллантирилиши
3.	Атроф-муҳит билан таништиришга мўлжалланган электрон топшириқлар	Математика ўқув фани мазмунига таянган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларида маданий етуклик сифатларининг шакллантирилиши
4.	Назорат қилиш характердаги электрон топшириқлар	Эгалланган билим, кўникма, малакалар, компетенцияларни аниқлаш
5.	Электрон таълимий тренажёрлар	Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш

1-жадвалда акс этирилганидек, бошланғич таълим мазмунини модернизациялашда АКТ воситаларига таяниш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланиш механизмлари**» деб номланган бўлиб, унда бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-

шароитлари, психологик жиҳатлари ҳамда уни ташкил этиш тамойиллари ёритилган.

Тадқиқот доирасида бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари ўрганилганида куйидагилар аён бўлди: бошланғич таълим жараёнида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга мақсадга мувофиқ тарзда таълим-тарбия бериш натижасидагина уларда шахслик сифатлари шакллантирилади; уларни математика дарсларида фаолиятнинг янги турига жалб этиш, яъни таълим жараёнига ахборот-коммуникацион технологияларини қўллаш асосида уларнинг шаклланишлари ва ижтимоийлашуви содир бўлади; бошланғич таълим жараёнида турли электрон таълимий ресурслардан фойдаланиш натижасида боланинг идрок, хотира, тафаккур каби ақлий операциялари, перцептив ва когнитив фикрлаши, интеллектуал сифатлари ривожлантирилади. Чунки, «мазкур ёшдаги болалар ўз идрокларининг аниқлиги, равонлиги, софлиги, ўткирлиги билан бошқа даврдаги инсонлардан кескин фарқланадилар. Бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантириш жараёнида ўқитувчи (шакллантириш) ва ўқувчи (эгаллаш)нинг мақсадга қаратилган фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг таркибий тузилмаси

Ўқитувчи фаолияти	Бошланғич синф ўқувчиси фаолияти
1. Ўқувчиларда математикага оид қизиқишни ҳосил қилиш, мантикий хулоса чиқаришга ўргатиш	1. Математикани ўрганишга ижобий мотивацияни ҳосил қилиш бўйича шахсий фаолият, индивидуалликнинг намоён бўлиши
2. Доимий равишда билимларни мустақамлаш ва ўқувчиларни янги билимлар билан таништириш, АКТ воситаларидан фойдаланиш	2. Аввал ўрганилганларини мустақамлаш ва янги АКТ орқали билимларни идрок этиш; янги ахборотга эга бўлиш
3. Ўқувчиларнинг билиш жараёнларини бошқариш; АКТ воситалари триадаси (ўқитувчи-ўқувчи-АКТ)да ишлаш.	3. АКТ воситасида тахлил этиш, умумлаштириш, таққослаш, тизимлаштириш
4. Мустақил фикрлашни шакллантиришга имкон берувчи қонуниятларни билиш жараёнини бошқариш	4. АКТ воситаси орқали мустақил фикрлаш
5. Назарий билимлардан амалий фойдалана олиш жараёнини бошқариш	5. Мустақил фикрлаш кўникма ва малакаларини эгаллаш, уларни тизимлаштириш
6. АКТ воситаларидан фойдалан иш орқали эвристик ва тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш	6. Юзага келувчи муаммоларни мустақил амалий фаолият
7. Мустақил фикрлашнинг шакллани- шдаги ўзгаришларни назорат қилиш ва кейинги ривожини башоратлаш	7. Мустақил фикрлай олиш даражасини ўз-ўзининг ташхис этиши; Кинестетик сезгиларнинг ривожланиши; Таълим жараёнида когнитив ва перцептив англашнинг содир бўлиши

Бунда ахборот-таълимий ресурсларнинг мавжудлиги, математика дарсларида ўқув-методик таъминланганлик моддий-техник базанинг мавжудлиги катта аҳамият касб этади.


2-жадвалда бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг таркибий тузилмасида кўрсатилганидек, бошланғич таълим жараёнида дидактик муҳит механизмларини такомиллаштиришда сифатли билим,

кўникма, малака эгаллашнинг мақсади, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти, мазмун, метод, шакл, восита, натижа иштирок этади.

Бошланғич синф ўқувчисининг математикадан ўқишга тайёрлигини кўрсатувчи бир қатор психологик омиллари мавжуд. Бошланғич синф ўқувчисининг шахс сифатида ривожланиши бир қатор биологик, физиологик, ижтимоий-педагогик, иқтисодий омилларга боғлиқ.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ўз-ўзини англай билиши, яъни ўз-ўзига баҳо бериш майли ва истаги; ўзини бошқа шахслар билан таққослаши; фикрларини эркин, очик, мазмунли ифодалаш; ўзгаларнинг фикрини эшита олиши ва мураса қила олиши унда ижтимоий муҳитда фаолият юритиш кўникмасининг шаклланганлигидан далолат беради.

Боланинг таълим муассасасида қанчалик мувафақиятли мослашуви, хилма-хил фаолият турларини самарали амалга ошира олиши унинг соғломлик даражаси, физиологик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир (1-расмга қаранг).



**1-расм. Бошланғич синф ўқувчисида математик компетенцияларни шакллантиришнинг психологик омиллари.**

Худди шундай, АКТ воситасида ўқитиш муҳитида ҳам ўқувчи нерв тизимининг рефлектор фаолияти ҳамда олий нерв фаолиятининг ёшга боғлиқ хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Ўқувчининг салоҳият даражаси, яъни диққатни жамлаш қобилияти, мантиқли фикрлаш қобилияти, қачонлардир кўрган нарсалар, шахсларнинг шакл-шамойилини тиклаш, тасаввур, қарор қабул қилиш ва ниҳоят, аниқ мустақил, ижодий фикрлаш қобилияти кабилар

маълум даражада ўқувчи ақлининг қанчалик тез ва тўлақонли машқ қилдиришга боғлиқ.

1-расмда кўрсатилганидек, бошланғич синф ўқувчисининг математикадан компетенцияларини кўрсатувчи психологик омиллардан бири унинг интеллектуал ривожланишидир. Бу ўринда ўқитувчининг ижодкорлиги катта аҳамият касб этади.

Математикани ўқитишда ўқувчилар қобилиятларини ривожлантириш, математик фикрлашга ўргатишда дарсда ечилаётган мисол ва масалаларни ҳаёт билан, турмуш тарзи билан боғлаб, мазмунан бойитишга қаратилиши лозим. Бунда турли таълим шакли, методлари ва кўринишларини қўллаш, дарс тузилишини шакллантиришга ижодий ёндашиш, дарсни юксак педагогик маҳорат талаблари асосида ўтказишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич синф ўқувчиларида математикавий компетенцияларни АКТ воситасида шакллантириш янгича педагогик тафаккур асосида йўлга қўйилган ўқитувчи-ўқувчилар ҳамда ўқувчи - АКТ интерфаоллигида амалга оширилади.

Бошланғич синф ўқувчиларида АКТ воситасида математик компетенцияларни шакллантиришнинг психологик омиллари ўрганилганда, уларда сензитив, перцептив, кинестетик, дивергент жараёнлар жадаллашганлигининг гувоҳи бўлди.

Диссертациянинг учинчи боби «Бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланиш технологиялари самарадорлиги» деб номланади. Унда бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланишга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ёритилган. Мазкур бобда бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланишга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш, АКТ ва интерфаол методлар ёрдамида 4-синф ўқувчиларининг ДТС асосидаги математикавий компетенцияларини ривожлантириш, интерфаол муҳитда ишлаш кўникмаларини шакллантириш, дунёқарашини кенгайтиришга йўналтирилган дарсларни ташкил этиш мазмуни, тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражаси, статистик таҳлили ифодаланган.

Тажриба-синов ишлари тўрт босқичда: яъни, аниқловчи (2017-2018), таъкидловчи (2018-2019), шакллантирувчи (2018-2019), яқунловчи (2019-2020) босқич тажриба-синов ишларидан иборат бўлиб, республиканинг Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларидаги 11 та умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилиб, унга 915 нафар респондент 4-синфда ўқувчилар ва 56 нафар бошланғич синф ўқитувчилари жалб қилинди. Жами тадқиқотда 971 нафар респондентлар қатнашишди.

4-синфда ўқувчиларнинг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланишга йўналтирилган «Қизиқарли математика», «АКТ ёрдамида математикани ўрганамиз» технологиялари қўлланилди. Ушбу технологиянинг асосий вазифаси – дарс ва

дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларнинг математикавий компетенцияларини шакллантиришга мўлжалланди. Бундан ташқари, тажрибавий дарсларда STEAM технологиясидан фойдаланилди. STEAM технологиясида Science-фан, Technology-технология, Engineering-муҳандислик, Art- tasviriy san'at, Math -matematika соҳасига оид топшириқлар тизимидан фойдаланилади. Тажриба тадқиқотларимизда ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, уларда математикавий компетенцияларни шакллантириш учун синфдан ташқари амалий машғулотларда ушбу технологиядан фойдаланилди.

